
Осоиишталик посбонлари эътироф этилди

Ўзбекистон туманидаги “Жаҳон” тантаналар мажмуасида Ички ишлар органлари ходимлари куни муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.

Туманда хизмат қилаётган тинчлигимиз посбонлари, фахрийлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбирда туман ҳокими Шерзоджон Юлдашев сўзга чиқиб, соҳа фидойилари ва фахрийларини байрам билан қутлади. Туман раҳбари ўз табрик сўзида соҳа ходимларининг жамоат тартиби ва осоиишталигини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган фидокорона хизматлари доимо қадрланиши ва алоҳида эъзозланишини таъкидлаб ўтди.

Байрам тадбирида шундай масъулиятли вазифаларни бажариб келаётган бир гурӯҳ соҳа вакиллари ташаккурнома ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Тадбир хушовоз хонандаларнинг концерт дастури билан янада файзли бўлди.

2024-11-06 14:48:50